

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев

Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала 5

И.Неъматов, С.Кукиева

Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш 11

М.Азизов, С.Рустамова

Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи..... 13

КИМЁ

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти..... 17

Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков

Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш 21

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов

“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари 24

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

И.Зокиров, С.Исроилжонов

Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Н.Рахмонов

Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари 31

М.Мўйдинов

Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари..... 35

ТАРИХ

Б. Усмонов

XV асрнинг 70-йилларида Фарғона 39

Н.Режаббоев

Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти 43

А.Нурматов

XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида)..... 49

М.Мансуров

Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари 55

Х.Юнусова, У.Усаров

Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аъналарини ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 58

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев

Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари 62

УДК: 10+11

ИНСОН ЭҲТИЁЖЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Т.Абдуллаев

Аннотация

Мақолада инсон эҳтиёжлари намоён бўлишининг шакллари, даражалари, функциялари аниқ бир вазиятларда илмий асосда тизим сифатида кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье показано проявление различных форм, уровня и функций потребностей человека в конкретных ситуациях в качестве научно обоснованной системы.

Annotation

In this article are shown manifestation of different forms, equalization of the function of necessity of human in concrete situation in the quality of scientific ground system.

Таянч сўз ва иборалар: манфаат, зарурият, эҳтиёж, физиологик, моддий, ижтимоий, сиёсий, боғланиш, даража, функция, оқибат, динамика, шакл, оқибат, модернизациялашув, қонуният, тизим.

Ключевые слова и выражения: интересы, необходимость, потребности, физиологические, материальные, политические, социальные потребности, взаимосвязь, уровень, функции, последствия, модернизация, закономерности, система.

Key words and expressions: interest, physiological, material, physical, social necessity, legislative function system, different, ground, quality concrete.

Инсон ҳаёти ва фаолияти кўпқиррали жараён сифатида намоён бўлганлиги учун унинг эҳтиёжлари ҳам турли шакл ва даражада функцияларни бажаради. Эҳтиёж масаласини асосан ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар ўрғанади. Фалсафа фанида инсон эҳтиёжлари марказий ўрин эгаллайди. Бунинг сабабларидан бири шуки, эҳтиёж инсон организми ва онги билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида заруриятни билдиради, яъни шароит қанақа бўлишидан қатъий назар, у эҳтиёжларини қондиришга интилади. Эҳтиёжлар инсоннинг ички дунёси билан боғлиқ, уларни ўрганиш, айниқса, ёшлар мисолида давлат аҳамиятига эга.

Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшларимиз билан гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак”. [1,23]

Бу борада аҳолининг эҳтиёжлари, шу жумладан, физиологик эҳтиёжлари инсон саломатлиги билан боғлиқдир. Фалсафий жиҳатдан ҳар қандай масала ёки жараённинг меъёри, ҳажми, вақти кўрсатилади. Масалан, уйқунинг вақтини шифокорлар белгилаб беришган. Унга амал қилиш – саломатликнинг гарови.

Физиологик эҳтиёжлар моддий, маънавий, сиёсий каби эҳтиёжлар билан биргаликда намоён бўлади ва бундай жараён инсонни тарбиялайди.

Эҳтиёжларнинг яхлитлиги ва бир-бирини тўлдириб туриши қонуният сифатида

намоён бўлади, фақат улар намоён бўлиш даражаси ва ҳажмида фарқ қилади. Ундан ташқари, вазиятдан келиб чиқиб, эҳтиёжларнинг ўрни ва аҳамияти ўзгариши мумкин. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида жиддий қийинчиликларга қарамай, халқнинг жасорати, фидойилиги, инсонпарварлиги, келажак авлод учун қурбон бўлиши яққол кўринган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам маънавият билан боғлиқ эҳтиёжлар етакчи роль ўйнайди. Бундай ҳолат ҳақида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг маънавият масаласига юксак баҳо бергани методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Инсон томонидан масъулиятни ҳис этиш, маданиятни юксалтириш, дунёқарашни давр талаблари асосида шакллантириш объектив заруриятга айланишини тақозо этади. Маънавият билан боғлиқ масалаларнинг эҳтиёжга айланиши мураккаб жараён ҳисобланади, яъни инсон манфаатларининг кенгайиб боришида фақат хоҳишгина етарли эмас, ўзининг фаолиятини жамиятнинг долзарб муаммоларига қаратиши, уларни мунтазам равишда кузатиши, ўрганиши ва тегишли хулоса чиқариши учун етарли билим ва ҳаётий тажрибага эришган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан маънавий эҳтиёжлар инсоннинг физиологик, моддий, сиёсий ва ижтимоий эҳтиёжларини тарбиялайди, тартибга солади ва уларнинг юксалишига замин яратади.

Моддий эҳтиёжлар кийиниш, уй-жой қилиш ва яхшилаш, транспорт воситаларига эга

Т.Абдуллаев – ФарДУ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

бўлиш, қурилиш каби масалаларга қаратилади. Кўрсатилган масалалар билан шуғулланишга инсон доимий равишда манфаатдордир, ўз навбатида манфаатдорликнинг такрорланиши ва давом этиши эҳтиёжга айланиб боради. Олиб борилган кузатувлар кўрсатганидек, моддий эҳтиёжларнинг намоён бўлиши тизимли амалга ошмаяпти, яъни қайсидир масалага камроқ ёки умуман эътибор берилмаётганлиги аён бўляпти. Эҳтиёж ўзидан-ўзи, яъни сабабсиз намоён бўлмайди, дастлабки босқичда эътиборни қаратиш манфаатдорликни билдиришдан бошланади, уларни такрорланиши ўз навбатида эҳтиёжга айланади. Шунинг учун моддий эҳтиёжлар мустақкам бўлади, улар инсон фаолиятининг таркибий қисмига айланади. Бунинг сабаби шундаки, моддий ҳаёт ва турмуш тарзи инсон ҳаёти ва мазмун-моҳиятини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, уларни уй-жой, қурилиш, кийим-кечак масалалари ташкил этади. Моддий эҳтиёжлар физиологик эҳтиёжлар каби ҳар бир инсонга хос ва ҳаётининг ўзагини ташкил этади. Мазкур эҳтиёжларнинг алоҳида намоён бўлиши инсонда ўзининг ҳолати ва турмуши билан чекланишга олиб келади, натижада маданият, илм-фан, маиший хизмат, спорт, ишлаб чиқариш каби соҳаларга эътиборнинг пасайиб боришига олиб келади. Инсонга эҳтиёжининг аҳамияти бошқа эҳтиёжлар билан боғланишда намоён бўлади, акс ҳолда инсон фаолияти бир томонлама ёки тартибсиз ривожланиб боради. Афсуски, айрим шахсларнинг моддий ва физиологик эҳтиёжларини жиловлаб олмаганлиги, уларга урғу берганлиги натижасида боқимондалик кайфиятига берилиш, уй-рўзғор ишларидан четга чиқолмаганлик кузатилмоқда. Бундай тоифадаги одамлар жисмоний ёки ақлий меҳнатнинг қадрини тушунмайди, натижада мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга нисбатан лоқайдлик билдиришлари мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни қўлланиш мақсадга мувофиқ:

- меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил этиш;
- илғор ғояларни инсон фаолияти ва онгига сингдириш;
- эҳтиёжлар масаласида давра суҳбатлари ўтказиб, мутахассисларни жалб этиш;
- оилада соғлом муҳитни яратиш йўли билан фарзандларда ҳулқ-атвори тарбиялаш;

- эҳтиёжларнинг моҳияти ва аҳамияти бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш.

Кўрсатилган чора-тадбирларни қўлланишда аниқ вазият ва фуқароларнинг билими, дунёқараши инobatга олинади. Бу йўналишда муҳими эҳтиёжларга нисбатан ижодий ёндошилади, чунки вақт ўтиши мобайнида инсоннинг қарашлари, манфаатлари ва эҳтиёжлари ижобий ёки салбий томонга ўзгариб боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли шакл ва даражада меҳнат билан шуғулланиш, замонавий технологияларни қўлланиш ва янги ғояларни билдириш манфаатдорлиги турмуш тарзига айланмоқда.

Бугунги фуқаро меҳнат фаолиятида ижодий изланишга эътибор бериши, мавжуд бўлган омиллардан самарали фойдаланиш, мутахассислик ёки касби билан боғлиқ қобилиятини такомиллаштириб боришни олдига устувор мақсад қилиб қўйиши жамият ривожланиши мобайнида эҳтиёжга ўсиб ўтади. “Бу эҳтиёжлар ўз навбатида меҳнатнинг янги турларини вужудга келтиради” [2,367].

Мазкур жараёни оммавийлаштириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг фармон ва қарорлари матбуотда эълон қилинмоқда. Масалан, “Давлат хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (22.10.2018) аҳолининг барча қатламлари, айниқса, мулкдор инсонлар фаолиятига катта туртки ва имконият бўлмоқда.

Инсоннинг фаолиятини манфаат ва эҳтиёжлар бошқаради, шунинг учун меҳнат жараёнида корхона, ташкилот ва маҳалланинг маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиши онги ва дунёқарашининг юксалишини таъминлайди.

Жамиятнинг ҳамма соҳаларида инсон фаоллигининг ўсиб бориши бир томондан эҳтиёжларининг намоён бўлишига йўл очиб беради, иккинчи томондан эса инсон эҳтиёжларининг мазмуни ва функциялари билан кўпқиррали фаолиятига таъсир этади, яъни фаолият билан эҳтиёжлар бир-бири билан узвий боғланган, улар бир-бирига кўмаклашиши ёки, аксинча, тўсиқлар яратиши мумкин. Шунинг учун давлатимиз томонидан аҳоли фаолиятида оқилона эҳтиёжларни шакллантириш устувор вазифани ташкил этади. Оқилона эҳтиёжлар, авваламбор,

маънавий ҳаётни мавжудлигини билдиради, чунки халқимизни маънавий меросини ўзлаштириш, илм-фан билан шуғулланиш, маданиятни юксалтириш, ўзига ва шахслараро муносабатларга ижобий таъсир этади. Шу билан бирга улар “дунёни оқилона талқин қилиш чегараларини кенгайтиради, илмий изланиш методларининг ривожланиш динамикасини, эпистемологик қоидаларининг теранлигини оширади”. [3,69]

Шунинг учун маънавий ҳаётни мазмуни ва намоён бўлиш кўлами мамлакатни ривожланиши мобайнида кенгайиб боради, натижада инсоннинг оқилона эҳтиёжлари мустаҳкамланиб боради. Афсуски, халқнинг маънавий ҳаёти бир маромда юксалиб бормайди. Айрим шахслар билимлари юзаки бўлганликлари боис аждодларимизнинг ижодини ўрганишга эътиборни етарли даражада қаратмаяптилар. Натижада уларнинг эҳтиёжлари тартибсиз ҳолатда намоён бўлиши кузатилади. Ундан ташқари, бундай тоифадаги одамлар эҳтиёжини бошқара олмайди ва кўпроқ урғу физиологик ва моддий масалаларга қаратишади. Албатта, дам олиш, озиқ-овқат, уй-жой, кийиниш каби масалаларни аҳамияти доимо сақланади ва ўсиб боради. Инсоннинг туб моҳияти эса шундаки, у ҳар қандай шароитда маънавий-маърифий масалалар билан шуғулланишга ҳаракат қилади, яъни билими, маданияти, ахлоқ-одоби, эстетик қарашларини юксалтиришга интилади, ва унинг маънавий ҳаёти янги ғоялар билан бойиб боради. Мазкур фаолият маънавий, ижтимоий эҳтиёжларни намоён бўлишида кўринади. Бу йўналишдаги жараён ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқ, яъни мавжуд шароитлардан унумли фойдалана олмаслигида, билимини вақтида қўлламаслиги, мойиллик кўпроқ физиологик ва моддий эҳтиёжларни намоён бўлишида кўринади. Масалан, баъзи оилаларнинг замонавий 2-3 қаватли уйларида меҳмонларни кузатишга, овқатланишга, маданий дам олишга, спорт билан шуғулланишга шароит юқори даражада яратилгани ҳолда болаларнинг дарс тайёрлашлари, ижодий ишлар билан шуғулланишларига эса етарли эътибор қаратилмаган.

Шунинг учун болаларда китоб ўқиш, долзарб масалалар бўйича фикр билдириш, мунозара ташкил этиш, муҳими — ижодий муҳитни яратилиши совуққонлик ва бепарволик кайфиятига йўл қўймайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг кўпқиррали фаолияти эҳтиёжларига ижобий таъсир этмоқда. Бу йўналишда фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларига яъни тадбиркорлик, ишбилармонлик, уддабуронлик ва эпчилликни кўрсатиш зарурияти ўсиб боради.

Ҳар қандай зарурият эса эҳтиёжларни атрибутини ташкил этади. Заруриятни ўсиб бориши ўз навбатида эҳтиёжга асос бўлади. Демак, инсоннинг вазифаларидан бири — заруриятни ҳис этиш ва уни аниқ объектга нисбатан йўналтириш. Зарурият ҳиссиёти турли масалаларга нисбатан яъни меҳнат билан шуғулланиш, билимини ошириш, маданиятини юксалтириш, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишда кўринади. Инсон онги ва билим даражаси зарурият ва эҳтиёжларини мазмуни ва аҳамиятини белгилайди, яъни онг ва билим юқори даражада намоён бўлиши зарурият ва эҳтиёжларни ҳам юксалишига олиб келади. Масалан, инсонни китоб ўқиши, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, дам олиш, спорт билан шуғулланиш эҳтиёжлари тарбиявий, билиш ва амалий аҳамиятга. Бўш вақтни мақсадсиз ўтказиш, дарслик, ўқув қўлланма, илмий рисоаларни ўрнига интернетдан маълумотлар олиш, интернет маълумотларига берилиб кетиш интернетомония ҳолатларига олиб келмоқда. Албатта, интернет тизимини имкониятлари чексиз, мавзуларни кўлами кенг. Олиб борилган кузатувлар кўрсатганидек интернетда тасдиқланган, асосланган маълумотлар билан бирга тасдиқланмаган маълумотлар ҳам учрамоқда. Бундай ҳолат ҳар бир шахсдан ўзлаштирилаётган маълумотларга танқидий ва ижодий ёндошувни, илмий билим ва дунёқарашни кенгайтириб боришини тақозо қилмоқда.

Илмий асосланган, ҳақиқатга зид келмаган, тасдиқланган маълумотларни олиш бир зумда эҳтиёжга айланмайди. Бу узоқ муддатли ва мураккаб жараён, чунки шахс авваламбор, аниқ мақсадни қўйишни, ақлий салоҳиятини инобатга олишни, маълумотларни атрофлича таҳлил қилишни, тўғри хулоса чиқаришни ўрганиши шарт, акс ҳолда унинг фаолиятида хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари юз беради. Айтиш керакки, инсон эҳтиёжларига таъсир этувчи омиллар ўртасида ахборот алоҳида ўрин эгаллайди. Глобаллашув даврда ахборотнинг ранг-баранглиги кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳаётидаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ютуқлар биринчи галда сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати мамлакатнинг цивилизация йўлида ривожланишини тезлаштироқда. Халқаро майдонда шиддат билан содир бўлаётган ўзгаришлар республика фуқароларида сиёсий эҳтиёжларининг кенг кўламда намоён бўлишини тақозо қилмоқда. Сиёсий эҳтиёжларнинг намоён бўлиши учун фуқароларда давр талабларига жавоб берадиган сиёсий билим зарур. Сиёсий билим ўз навбатида шахснинг сиёсий маданиятини оширишга йўналтиради. Сиёсий маданият эса ўз навбатида сиёсий фаолликка олиб келади. Мазкур жараён негизда сиёсий масалалар билан шуғулланиш шахсни эҳтиёжи хизмат қилади. Сиёсат билан шуғулланиш эҳтиёжи асосан давлат раҳбари, парламент аъзолари, барча даражадаги мансабдор шахсларда, сиёсий партия, давлат, нодавлат, жамоа ва ўз-ўзини бошқарув орган вакилларидан намоён бўлади. Шу билан бирга, барча соҳа мутахассислари, ижтимоий-гуманитар фан олимлари ҳам сиёсий масалалар билан мунтазам равишда шуғулланишади. Республика фуқаролари ҳам давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатини кузатиб боришади ва тегишли мулоҳазаларни билдиришга ҳаракат қилишади. Таъкидлаш жоизки, сиёсатга эътибор бериш сиёсий воқеаларни кузатиб бориш, уларга нисбатан фикр ва истакларни билдириш инсон учун эҳтиёжга айланди, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Сиёсий масалалар билан шуғулланиш эҳтиёжининг маъноси қуйидаги ҳолатларда кўринади:

- сиёсий адабиётларни мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш;
- сиёсий аҳамиятга эга бўлган учрашув, йиғилиш, анжуман, машғулотларни ва долзарб масалалар бўйича фикрларни билдириш;

- мутахассислик ва касбидан қатъий назар бўш вақтларининг асосий қисмини сиёсий масалаларга қаратиш;
- сиёсий ўқишларда ва малака ошириш курсларида қатнашиш;
- сиёсатга доир мавзулар бўйича ёшлар ўртасида давра суҳбатларини ташкил этиш;
- жамиятимиз долзарб муаммолари бўйича газета ва журналларда мақолалар чоп этиш;
- интернет тизимида сиёсатга доир ахборот ва матнларни атрофлича таҳлил қилиб бориш;
- республика сиёсатчилари билан учрашувлар ташкил этиш ва улар тажрибаларини ўрганиб бориш.

Кўрсатилган тавсияномаларни бирданига ўзлаштириш қийин вазифа ҳисобланади. Бунинг учун доимий изланиш, масъулият билан ёндошиш ва мустаҳкам ирода зарур.

Сиёсий масалалар билан шуғулланиш эҳтиёжга айланиши учун бир томондан маълум бир вақт, иккинчи томондан эса шахснинг ўзи психологик ва назарий жиҳатдан тайёр бўлиши кўзда тутилади. Шу билан бирга вазиятдан келиб чиқиб, қайсидир эҳтиёжга кўпроқ урғу берилади, лекин ҳар қандай шароитда физиологик эҳтиёжларни намоён бўлиши дастлабки босқични ташкил этади. Физиологик эҳтиёжларнинг вақтида ва меъёр асосида намоён бўлиши бошқа эҳтиёжларга йўл очади. Инсон эҳтиёжларининг намоён бўлиш қонунияти шундан иборатки, уларнинг барчаси доимо ўсиб боради ва бир-бирини мазмун жиҳатдан тўлдириб туради. Таъкидлаш жоизки, инсон эҳтиёжларининг аҳамияти фақат яхлитликда билинади, яқка ҳолда эса уларнинг таъсир этиш кучи сезилмайди. Муҳими шундаки, инсон эҳтиёжларининг ўсиб бориши объектив жараён ва уларни жиловлаб туриш, тарбиялаш ва аниқ мақсадларга йўналтириш - ҳар бир фуқаронинг масъулиятли вазифасидир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Юсулов Э. Фалсафа. –Т.: Шарқ, 1999.
3. Саифназаров И. ва бошқалар. Фаннинг фалсафий масалалари. –Т.: Фан ва технология, 2007.